

ИЮЛЬ—ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ЗАРЪДОР ОЙ

● ҲАР ТУП ҒЎЗА СУВГА ҚОНСИН ● ПАХТАНИНГ ҚОНИ-ЖОНИ СУВНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ САРФЛАЙЛИК
● КУЛЬТИВАЦИЯНИ СИФАТЛИ ЎТКАЗИБ, ЕРДА НАМНИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК ● ДАЛАДА
ИШЛАЁТГАНЛАРГА ҲАММА ШАРТ-ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИБ БЕРАЙЛИҚ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТНАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



ТАСС АХБОРОТИ „СОЮЗ-14“ ҚОСМИК КЕМАСИ ОРБИТАДА

Ер атрофидаги космик фазони тадқиқ этиш программасига мувофиқ 1974 йил 3 июлда Москва вақти билан соат 21 дан 51 минут ўтганда «Союз-14» космик кемаси Ернинг суғий йўлоши орбитасига чиқарилиди. Космик кемани кема командири Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт учувчиси полковник Павел Романович Попович ва борт инженер, инженер-подполковник Юрий Петрович Артюхиндан иборат экипаж бошқармоқда.

«Союз-14» космик кемасини учуриш программаси: — шу йил 25 июлда Ер атрофидаги орбитага чиқариб қўйилган «Салют-3» орбитал илмий станцияси билан биргаликда экспериментлар ўтказишни;

— «Союз» кемасининг такомиллаштирилган борт системаларини учуришнинг турли режимларида комплекс текшириб қўришни кўзда tutadi.

«Союз-14» кемаси билан барқарор радио ва телевизион алоқа ўрнатилди.

Кема командири ўртоқ Попович берган маълумотларга кўра, космонавтлар орбитага чиқиш ва вазисизлик ҳолатига ўтиш пайтида ўзларини яхши ҳис қилганлар.

Кема ичидаги системалар нормал ишлаб турибди, бўлмаларда Ердаги яқин шароит сақланмоқда. «Союз-14» кемаси Ер атрофидаги орбитага чиққандан кейин космонавтлар Попович ва Артюхин ўртоқлар учуриш программасини бажаришга киришдилар.

Павел Романович ПОПОВИЧ

СССР космонавт учувчиси Павел Романович Попович космосни илк ўзлаштирувчиларнинг бирidir. 1962 йилда «Восток-4» космик кемасида парвоз қилди. Парвоз вақтида кўрсатган мардлик ва нахрамолликни учун Павел Романович Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

Павел Романович Попович 1930 йилда Киев областининг Узин посёлисида туғилди. 1951 йилда Магнитогорск индустриал техникумини битириб чиққандан кейин ўзини авиацияга бағишлаган аҳд қилди. Ҳарбий авиация билим юртини битириб чиққандан кейин 1954 йилдан бошлаб Совет Армиясининг авиацион қисмларида хизмат қилди. 1960 йилда космонавтлар оtryадига қабул қилинди.

П. Р. Попович 1957 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига кирди.

Юрий Петрович АРТЮХИН

Юрий Петрович Артюхин 1930 йилда Москва области Клин районидаги Першутино қишлоғида туғилди.

1948 йилда ўрта мактабни битириб чиқди ва Серпухов ҳарбий авиация-техника билим юртига кирди. Билим юртини муваффақиятли оурадта битириб чиққандан кейин Совет Армиясининг авиация қисмларида хизмат қилди.

1957 йилдан буюр Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси. Ю. П. Артюхин 1958 йилда Н. Е. Жуковский номида ҳарбий ҳаво инженерлик академиясини битириб чиқди. Ўзининг таълимлашдан кейин ана шу академиянинг илмий тадқиқот лабораторияларида берида ишлади.

Юрий Петрович 1963 йил январь ойида космонавтлар оtryадига қабул қилинди. У бошқариладиган турли аппаратларда космик парвозга тайёргарликнинг бутун курсини ўтди.

Космонавтининг рафиқаси Нина Ивановна «Наука» нашриётида ишлайди.

Артюхин онласининг икки ўғли бор, Сергей 19 ёшда бўлиб, Ригадаги олий авиация-инженерлик билим юртида ўқимокда. Унинг укаси Владимир 10 ёшда.

Космонавтининг отаси Петр Павлович 1941 йилда Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган. Онаси Анна Васильевна пенсионер, Москва областининг Клин шаҳрида истиқомат қилади.

„ЛЕНИНИЗМ“ КОЛХОЗИДА ҒЎЗАНИ СУҒОРИШ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН?

Тун. Соат 12. Бўка районидаги «Ленинизм» колхозини раиси Раззоқ Қўрбонқулов билан тунги сиеида ишловчи суғирларнинг ғўзаларини қандай суғориётгани билан танишиб юрмиш.

14-бригадага етиб келамиз. Сув тараб қўйилган ғўза майдошлари кўзга ташланади. Дала шийонида бизни бир йигит қарши олади. Сувчи Кўлбой Давлатов деб таништиради у ўзини.

— Бригадада кечаси учун неча суғир белгиланган?
— Уч киши.
— Қани бошқалар?
— Ҳозир кетинди. — К. Давлатов сув кундан яхши тараб қўйилгани, эгاتларини доимо кузатиб юрганлиги ҳақида сўзлай бошлайди.

Умурсоқ Ҳамроев бошлиқ бу бригадада 2 июлда қадар пахта майдонларининг ярми иккинчи суғирдан чиқарилган. Бригадада 8 суғир бор. Шундан уч киши кечаси навбатчилик қилишни керак. Лекин текшириш ўтказилган кунни бригада далаида фақат бир суғирини учуртди.

Бригада ҳар кун секундида 150 литр ҳисобига сув олинти. Муҳассисларнинг ҳисоблашча шу кунларда ҳар суғирга тунги келадиган оқин сув миқдори 10 литрдан ошмаслигини керак. Лекин бу бригадада ҳар суғирга ҳозир 17—18 литрдан сув тўғри келяпти. Шунинг қарийб ярми кечаси ҳам дала боида бўлиши зарур.

Бир суғирга нормада белгилангандан кўпроқ сув тўғри келганлиги учун ҳам ғўзани суғориш агротехникасига тўлиқ риоя қилинмапти. Кўп эгатларда сув ғўза тағидига тушадиган юви, усимлик учун зарур озқани қўзиб кетяпти. Оқана кўп чиқариляпти.

Рашид Ҳошимбеков бошлиқ 13-бригадага етиб келдик. Бизни шийонда бригада бошлиғи кутиб олди.

— Неча гектар ерда сув тараб қўйилган?
— 8 гектар ерда сув бор.

— Сувчилар қани?
— Ҳозир жавоб бериб юбордим. Ўзим қараб турибман, — дейди бригадир сал мулзам тортиб.

Сув тараб қўйилган пайкаларини айланиб чиқдик, сув эгатларга бир текис оқияпти. Улариларга ҳам сув расамати билан оқибди қўйилган.

Бу бригада колхознинг юқори ҳосилли илгор бригадаларидан бири. Бригада аъзолари

ҳар гектар ердан 35 центнерлик хирмон учун кураш олиб бориляпти. Ғўзанин авиан яхши. 8-з вақтида суғоришмоқда, ишлов берилмоқда.

Шу хилда то тунг ёришунча биз колхознинг бошга бир неча бригада далаларини айланиб чиқдик. Бу бригадаларда ҳам тунда суғориш учун акра-тилан сувчилар тўлиқ ишла-маёттир. Улар бир-икки навбат-чи суғирини дала боида қолди-риш билан чекланмоқда. Шу-нинг учун ҳам кўп жойларда кечаси суғориш сифати талаб-га тўлиқ жавоб бермайди.

Тўртинчи бригада далаида етиб келганимизда тунг ёриш-ди. Бригада бошлиғи Тўғчи Хусанов бизни сув тараб қўйилган пайкалга бошлади. Бир неча эгатдаги сув карта охири-га чиқиб зовурга тушиб кетип-ти. Иккинчи бир хил эгатлар-даги сув эса ҳали ярмига ҳам етмаган. Сувчи Сайфи Мирзиев ўз ишига маъсулликсизлик билан қарагани тўғрйли суғориш-ишда сифатсиз ўтказилмоқда. Бригада бошлиғи дарҳол кў-шимча сувчиларни жалб қилиш, сувнинг эгатлар бўйлаб бир текисда оқини учун қўшимча тадбирларни белгилашга кири-шиб кетди.

Фақат Исом Ганиев бошлиқ 3-бригадада шарбат оқизиб сув қўйилганини кўрдик. Ле-кин бу ерда ҳам сув бирмун-ча ортиқча нормада бе-рилган. Эгатлар хаддан таш-қари захлаб кетган. Шу бригаданин иккинчи бир кар-тасида сувдан чиқарилган ғў-за қатор оралари етилганлиги-га қарамасдан, трактор, ҳали ишга туширилмаган.

«Ленинизм» колхозини бу йил 1270 гектар ерда пахта ети-тирмоқда. Ҳозир шундан 727 гектар ғўза иккинчи суғирдан чиқарилаган. Колхоз бўйича су-ғирлар сони 70 кишидан ошмай-ди. Ҳолбуки, колхоз секундида 1400 литрдан ортиқ сув оли-пти. Шу сув билан ҳар кунни 85 гектар ердаги ғўза сувдан қарийлиши зарур. Лекин 2 июль кунни 58 гектар ғўза ва 9 гектар бошқа экинлар су-ғорилган. Сувдан фойдаланиш ко-эффиценти 79 процентини таш-кил қилади.

Колхозда суғориш графиги тузиб чиқилиб, бригада бо-шлиқларига берилмаган. Шунинг учун ҳам кўп бригада бошлиқ-лари ҳар кун неча гектар ер-даги ғўзани суғориш ва ик-кинчи суғир қачон тутатиш кераклиги ҳақидаги саволлар-га аниқ жавоб беролмайдилар. Бундан ташқари, колхозда ғў-

зани сифатли суғориш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва уни исроф қилмаслиги тадбир-лари ҳам тўлиқ амалга оши-рилмаёттир. Ҳаузага ғўзани сифатсиз суғоришга кўл қўй-ган бирор суғирча ҳам чора қў-рилмаган.

Кўп бригада бошлиқларидан «ғўзани мавсумда неча марта суғорасизлар» деб сўрагани-мизда улар «уч-тўрт марта» деб жавоб беришди. Шунда биз бир нарсани ўйлаб қолдик. Бу колхозда ҳосилдорлик 30 центнерга етмайди. Агар Тош-кент нави ғўзанин кўпроқ сув ичинини ҳисобга олганда ва ҳўжаликда ғўзаларни ҳар йилгидан кўра бир марта ор-тиқ суғоришганда ҳосилдор-лигини колхоз бўйича 30 цент-нерга етказиш ва ундан охи-риш мумкин эмасиники? Кол-хоз правилиси, парвини таш-килотчи ва муҳассислари ўз шароитларини ҳисобга олиб, тақрибани деҳқонлар билан маслаҳатлашиб, ана шу тўғри-да аниқ ва аниқдй бир қарор-га келсалар яхши бўларди.

Июль ҳосил тўплаида, ҳар тундаги ҳосилни сақлаб қо-лишда ва уни етилтиришда ҳал қилувчи ойдир. Июлда қилин-ган меҳнат кўзга бориб жуда катта самара беришини асло унутмаслик керак. Бу йилги шароитда сув тақсислигини ҳи-собга олиб, ғўзани суғоришда маъсулиятни чуқур ҳис қилиш зарур.

Оласть қишлоқ ҳўжалиги негашин қатнашчиларининг мууроаида июль ойи ичи-да ғўзаларни икки марта суғориш зарурийлиги айтиб ўтилган. Агар «Ленин-изм» колхозида ғўзани суғориш суғирати оширилмаса ва унинг сифати яхшиланмаса июль ойи-да ғўзани икки марта суғориб ултуриб бўлмайди. Шунинг учун ҳам колхоз раҳбарлари суғоришга қўшимча илчи ку-чаларини жалб қилиш, суғориш устида қатий назорат ўрнати-ш ва суғорилган майдонлар-ни колхоз бош агрономи раҳ-барлигида махсус комиссия қабул қилиб олишларини таш-кил қилишлари зарур.

«Ленинизм» колхозининг пах-таорлари, меҳнатозор ва барча дала меҳнаткашлари зарбдор ойда зарбдор меҳнат қилиб республикамизнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи шарофига олган юксак социалистик маж-буриятларини муддатидан илгари ошдириб бажариш учун бир гайратга ўн тайрат қўшиб меҳ-нат қилишлари керак.

Д. СИМОНОВ,
область суғориш системаси бошқармасининг бош инжени-ри. И. ИНОУМОВ—бош-қарла катта инженер. Ю. ПЛИШКИН—Алпген дарё-си бош канал бошқармаси бош инжениери. Б. ШОНА-ЗАРОВ—Тошкент ҳақиқ-тининг махсус муҳбири.



Ҳар туп ғўзанин мўл ҳосил тўплаида сувчининг ҳиссаси катта. Июль ойида оби-ҳаётга қонган ғўза серҳосил бўлиб ўсади. Ойгўрғон районидан Султон Сегизбоев номли совхозда бунга алоҳида эътибор берилиб ғўзалар кечю кундиз сувга қондирилмоқда. СУРАТДА: совхознинг илгор сувчиси Серикбой ЯҚҚУЛОВ. Н. Тўраев фотоси.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Сақиянчи чакриқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг еттинчи сессияси 1974 йил 6 августда Тошкент шаҳрида чакриқсин.

Қўйидаги масалалар Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига қўйилсин:

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарофига қабул қилинган социалистик мажбуриятларининг қандай ба-жарилаётганини тўғрисида;

Ўзбекистон ССР 1973 йилги давлат бюджетининг иқроси ҳақи-да;

Ўзбекистон ССР халқ маорифи ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғри-сида;

Ўзбекистон ССРнинг давлат но-тариати ҳақидаги қонун лойиҳаси тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. МАТЧОНОВ,
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПЛАТОВА.

1974 йил 3 июль.
Тошкент шаҳри.

ИЛГОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ми-нистрлар Совети областар, райо-нлар ва совхозлар ўртасида дон экинларини йиғиштириб олиш, давлатга ғалла топириш ва уруғлик фондларини жамғариш юзасидан ўтказилаётган соци-алистик мусобақанин 1974 йил 1 июлда қадар тўпланган йқунла-рини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ми-нистрлар Советининг кўчма Қи-зил байроғи Тошкент областига (область партия комитетининг сек-ретари ўртоқ Мусахонов, область юзасидан қишлоқ ҳўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Исоқов, область совхозлар пре-зидиуми директори ўртоқ Арақелов, «Узсельхозтехника» бирлашмаси-

нинг раиси ўртоқ Киселев) берил-ди. Бу область бошқоқчи дон экин-ларини йиғиштириб олиш планини 44,2 процент, шу жумладан кейинги 10 кун ичида 42,8 про-цент, давлатга дон сотиш топи-рини 6 процент, шу жумладан, кейинги 10 кун ичида 5,2 процент, уруғлиқни жамғариб қўйиш пла-нини 8,4 процент, шу жумладан кейинги 10 кун ичида 6,4 про-цент бажарди.

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ми-нистрлар Советининг кўчма Қи-зил байроғи Самарқанд области-даги Охунбобоев номли совхозга берилди.

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ми-нистрлар Советининг кўчма Қи-зил байроғи Самарқанд области-даги Охунбобоев номли совхозга берилди.

(Давомм бор)

Юбилей шарафига

Буна райони меҳнатқашла-ри республиканинг шонли 50 йиллик юбилейига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Жойларда турли хил оммавий сийёсий-ташқилӣ тадбирлар амалга ошириляётар. Жумла-дан, район марказида комсо-мол-ёшлар кинолесторийси ташқил этиляди.

«Билим» жамияти район бўли-ми аъзолари лекторияда ке-либ, «Тўнқизинчи беш йиллик» да район халқ ҳўжалиги», «Исдон меҳнати билан кўр-кам», «Хар насбнинг ўз ташти бора», «Социалистик қонунчи-лик ва ёшлар», «Хўзирги за-мон ислом дини ва унинг оқим-лари» каби темаларда лекция ўқидилар.

Ёш талантлар кўриги

Шу кунларда областимиз шаҳар ва қишлоқларида Ўзе-кистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги-га бағишлаб, маданият уйла-ри ҳаваскорлари тўғрарлиги-нинг конкурс бошлаб юборил-ди.

Ҳаваскорлар кўриги 15 ию-гача давом этади. Программа-лар бўйича иккунга таълаётган кўй ва ўқушларда серкўш республикамиз мадҳ, халқлар дўстлиги, «оқ олтин», «оқ қорларнинг жасоратлари та-рангум этиляди. Бунда об-ластимизда яшайтган барча миллатларнинг рақс-куйлари, қўшиқлари, музикаларига кең ўрин берилган.

Бу конкурс сентябрь ойида ўтказилляган «Марҳаб», та-лаитлар фестивалига тайёргар-лиқидир. Хўзир жойларда конкурс-нинг биринчи босқини тўғриси-да қатор маданият уйлари кон-курснинг навбатдаги погонаси-га кўтарилдилар.

Юксак мақсад йўлида

Бекобод райониди Дзер-жинский номи колхознинг Абдуназар Шамсиев бошлиқ бригада аъзолари меҳнатда ях-ши натижаларга эришмоқдалар.

Беш йилликнинг белгиласи йилида 118 гектар ерда пахта ештиляётган бригада аъзола-ри кўрқ чиниётган ҳосил кў-тарнишга аҳд қилляган. Улар айни долзарб кунларнинг ҳар бир соатидан унмўш фойдала-ниб, юксак мажбурият яраша меҳнат қилмоқдалар. Ёзга уч марта комплекс парварши-дан чиқарилди. Бригаданов О. Саъдуллаев, Ш. Мавлонов каби «пўлат от» чавандозлари, Н. Зиедудлаев, М. Оқдулов, А. Бекирова, С. Раҳматов, Р. Абдураимова, М. Мирзату-лова каби аъзолари айниқса на-мунали ишламоқдалар.

А. РАЙМУЛОВ.

Кўрғазмали агитация учун

Тошкент тўқимачилик комби-натида эълон қилинган кўрғаз-мали агитация кўрик-конкурс-ни Ўзбекистон ССР билан Ўзе-кистон Компартиясининг олтин тўйига бағишляди. Кўрикнинг асосий вазиаси — илгўр тў-қувчиларнинг таъкирбасини, ишлаб чиқариш новаторлари-нинг ютуқларини пропаганда қилишни кўчайтиришдан иборат. Конкурс якунилари 1974 йил-нинг октябрида чиқарилди.

Юлғичлар паноҳ остида

Гап Чорвоқ ишчи таъминот бў-лимига қарашли гастроном ди-ректори В. Н. Воротекова устада бо-ряти. У илгари таъминот бўлими-да бир неча йил раҳбар лавозим-ларда ишлади. Дастлаб ишидан пешонаси тиришиб юрса ҳам, ке-йин ҳақиқий бобон қўли теккан гудек «ғўриқариб» кетди. Унга ишчи таъминоти бўлимининг бо-шлиги С. Парнева «бобонлик» қилди.

— Ичимсизда, — деди Вороте-кова бошлиққа. Гастрономия иш-тиаридаман, ўзинингнинг ҳам дилининг гуффу ўрайдиган бўлади. Воротекова савдо ҳодимларини ўз хўзурига тўладди.

— Мени таъинисаларми? — деди у сотувчиларга бир-бир қараб.

Айримлар идорада кўрганлик-ларини айтишиб, айримлари ма-йинига елча қисиб, таъинисақла-рини билдирдилар.

— Хўш, таъинисалар ҳам, таъи-масанлар ҳам гап шу. Мени сиз-ларга бошлиқ қилиб юборишди. Ишқиликнинг, гап чўзиниш ёмон кўраман, сизларга тўшинтиради-ган жойи бўлмаса керак...

Торозилар сотувчилар ҳамён-ин қаппайтириш учун, харидор-лардан 15—25 грамм юлб қола-диган қилиб «изга» солинди. Иш юришиб кетди. Воротекованинг «маҳоратидан» бошлиқ хўрсанд эди.



Ижод куртаги

Муҳаммадали Қўшмоқов — фикрларга қўришган эҳтирослар шоири. У тўйгулар шиддатини фикр элагиде эляйди. Шоирнинг тўйгулари бахтга, саодатга, эзу-лиққа интилан инсон рўҳининг тасвири, граждалик тўйгулари-дир.

Мен эҳтирослар шиддатидан бўғилмаман: сим-сим ёмғир бўлиб, сим-сим ёға-ёға...

(«Безавол») Шоир қалбидан ёмғир каби ёғилётган бу тўйгулар гоҳ «Еруғ олам останаида барг ёзаётган куртак», гоҳ «пахтага қулгилар ташиган сувлар» тасвирида «пах-тадай очилган тафаккур» бўлиб, «яна ишчи чинор умрлар, яна эътиқоди ёмғирлар, яна тиллакла-ри бинафшлар тўғилаятидиган» далолат беради.

Гап Муҳаммадали Қўшмоқов-нинг «Қўратол» номи шеърлар тўплами ҳақида бормоқда. Қўра-тол! У сарв каби поэзия тимсо-ли. У тез этиляди, сояси сарато-нда жоннинг роҳати, у қишлоқла-римизни, ҳовлиларимизни безай-ди, ундан иморат қилинади, унга қаҳарқонинг белачаги бойлана-ди...

Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Қўратол» тўпламидаги шеърлар ана шу ҳаёт тимсолнинг поэтик шарҳи-дир.

Сувга суқланар, Капалакка суқланар, Еруғ олам останаида Бир куртак... Ташларини оҳиста уйғотиб Салом берав, Сўнг йўл сураб билар Еруғ олам останаида Бир куртак...

А. РАЙМУЛОВ.

авайлаб, уни ўзгартириб, яна гў-зал қилган бобо деҳқон ҳар эрта райони ҳиди билан ўнғиладди, бо-лаги дараклар элибди, унга са-лом берди... ёноқларини шопо-тиляйди деҳқон ўзини «ўзумэр-ча айланган ток новдаси» деб ҳис қилди. Шу сабабди у қари-майди, у доим бардам, у доим мамнун, юраги: Юрак эмас, ўн тўрт қуялик ойдир дарҳақиқат — Кўкедаги дебҳо нарса. Шоир нима демоқчи? Шоир

Шоир «рўҳининг қилмилари» мусавфо, у ўтмиш ҳақида ёза-ган ҳам, хўзирги кўн ҳақида ё-заган ҳам бир томонини қичи-риб мадҳ этиб, иккинчи томонини лаънатлаб ўтирмайди. У воқеани, курашчан инсонни тасвирлаб э-зулик учун, шодлик учун жои фа-дод қилганлар образини яратди ва айни пайтда Алиқамбарлар, Лоркаларнинг иши биз учун, биз-нинг келажатимиз учун, ҳамма вақт эзулик деб курашайтган ин-сонларга мерос эканлигини, улар-нинг душманлари инсониятнинг

НАШРИЁТЛАР АРМУҒОНИ

Серкўш республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин тўйига мамлакатимиз нашриётлари ҳам армуғонлар ҳўзирлашга киришдилар. Деяр-ли ҳамма қардош республикада ўзбек сўз санъаткорлари иккун-ди намуналарини ўз ичига ол-ган тўпламлар босилиб чиқадди.

Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ойбек, Абдулла Қўҳорнинг асарлари шу юбилей китобла-ри орасида бор. Агар Олмаота-даги «Жазуш» нашриёти Ой-бекининг «Болалик»ни чоп эт-са, Киевдаги «Днестр» нашри-ёти Абдулла Қўҳор ва Зу-фия асарлари тўпламларини

Ўз китобхоналарига тақдим қи-лади. Юбилей арафасида Асқад Мухтор, Рамз Бобожон, Ойла-Еқубов, Эркин Воҳидов каби ёзувчи ва шоирлар китоблари-ни рус ва қардош халқлар тил-ларида ўқинишга мумкин.

Улкамизда гарқ пишқиқчилик. Бобон ва сабзавоткорлар пешона тери билан яратилган мўл ҳосил қарнон-қарнон бў-либ қолхўз бозорлари томон оқиб келмоқда. Олимлар ярат-ган тарвуз ва қовунларнинг тезинлар янги невалари деҳқон-ларга қўл келмоқда. Улар ме-валарини ва полз маҳсулотла-рини тезроқ этилтириб, шаҳар-лиқлар дастурхонига тақдим қилмоқдалар. Суратда: ич-кинтайлар янги мавсум ҳоси-лидан татиб кўрмоқдалар. Ф. Абдураулов фотоси.

Янги шеърлар

Бўлолмасман

Илтижо қилма париваш, кечиргайсан, фидойинг бўлолмасман, Едга олган дамларингда ё қўёшу, ё ойинг бўлолмасман, Аҳду паймон талаб айлар чин садоқат бир умрга ваъда бергач, Ҳар сония эсласам ҳам, э шаҳло кўз, гадоинг бўлолмасман, Нурийдандигин бир лаҳза лавзат олдим, бас эмди, инсоф ҳўжаз, Сўз қотмадим мен доминга илинмай деб, ятмонинг бўлолмасман, Севги кўзи гоҳ кўрмас, ахш-ёмонин айлалмас фарқ, Оқила эрсанг «офарин» де, ўт ўфурган селдонинг бўлолмасман. Сехри қалом, салом айтиб, умид тутман сафо-ю нисолнингдин, Бутун ширин гуфтор бўлиб, йиллар оша хатойинг бўлолмасман, Ҳаёт, эркам, эмас эрмак, ҳар онидур дуру тавҳардин афзал, Бор санингда, ўз нигорин, жаҳонда мулдоинг бўлолмасман, Маъзур, туттич, ўзги сўзин деди сенга, Умарий гар мушқулдир, Кел, чарогим, оғанг бўлай, лек онингу адоинг бўлолмасман.

Ғазалкентим

Шаҳарларнинг кенжатоини, она-шаҳрим Ғазалкентим, Ойдан ортиқ кун чироининг, гўрур, фаҳрим Ғазалкентим. Одамларнинг қўшиқ қуйлар, ҳавасдан сўйляйди тўйлар, Ҳаёлингда тотди уйллар, нур-чарогин гўзал кентини. ЁЗларингда қувват оқар, меҳнатларинг элга ёқар, Кўрганлар сўзлайди боқар, ҳур-фаровон гузар кентим. Тоғ бағрида гул жамолинг, Чирчиқ эрур зилот болинг, Таърифта снғмас қамолнинг, ширин-шакар асал кентим. Боғ-роғларинг жаннат мисол, соғинганда ёрдай инсол, Чотқол узра жонона ҳол, дилбар шаҳар асал кентим. Гушларинг ноёб чаман, чунки кўркам порлоқ замон, Ишнайвертин омон-омон, умри ноёб қўлларинг, Коммунизм йўллариде, ушлаб иқбол қўлларидан, Баҳра олиб гулларидан, қуйла саҳни Ғазалкентим. Шаҳарларнинг кенжатоини, она-шаҳрим Ғазалкентим, Ойдан ортиқ кун чироининг, гўрур, фаҳрим Ғазалкентим. Раҳим УМАРИЙ.

ПАХТАЗОР ОҚШОМИ

Чарақлаган ойдин кеча, Сувга қонар гўзаллар, Гўзалларнинг ҳарир елда Чайқалиш кўз олар. Икки пайсал, икки сувчи, Воқиф бўлдим сиридан. Бир пайсалда сунбул сочу, Барно йигит бирда... Тун оғди. Капалаклар — Ухлар лироқ қўшиқда. Чарчаш билмай қиз сув тарар Барно йигит ишқиде. Ҳаёлида бутун борлиқ Кўйлар унинг ёрини. Учур сабо қанот ёзар Етказай деб зорини. Бўрсиллаган она туяроқ Дейди: «қуйма о, барно, Менга ихлос қўйдингми бас Ораунг бўлар муҳайи. Тун малати эгатларини, Боз оралаб ўтади. Ҳар ихлолу яроғига Жонини фидо этади. Бирдан сеҳрландим қиз Туриб қолди ҳайкалдай. Қўшиқ келар эди эзу

Ўша қўшини пайкалдан: Тоғ бағридан тўлиб сой келадди, Сўлим тунда кўда тўлини ой қуладди. Колхозимнинг моҳияйкар сувчи қизи Мўл ҳосилдан днёрини бой қилди. Эгат аро оролинг оқадан сув, Ер қўсига анвойи гул тақадди сув. Меҳрини бериб эҳнин бериб гўзалларга Бахти қулган эл юртыга ёқар сулуз. Сарвинизм Ватан учун қуйлар жон, Қаҳратон қиш аёз демай ё саратон. Тиним билмай юрса доим дур ишқиде, Висолига таъналимни аңгар қачон? Звёд КОМИЛОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача